290894

Илм — ўзни билмакдир

Маърифат

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 17 август, чоршанба | № 39 (6626). Баҳоси сотувда эркин нархда.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТИ

Дунёда байрамлар кўп. Мамлакатда ҳам байрамлар кўп. Бир турфаси борки, ийди умумий, яъни — сизники ҳам, бизники ҳам.

Яна бир гап шуки, байрамни санадан фарқламоқ керак. Етмиш тўрт йил тугал саналарни санаб адоғига етмадик. Юртимиз манглайига қуллик тамғаси урилган саналарни ҳам миямизга байрам дея тиқиштирдилар. Биз ҳам уларнинг кўчаларни тўлдириб оққанимизга бугун ўзимиз ишонмай турибмиз.

Ёдингизда бўлса, аввалига Наврўз қайтиб келди. Наврўз учун курашда халқимизнинг истиқлолга ташналиги бўй кўрсатди. Наврўз тикланиши — халқимиз шаъни ва шавкати тикланиши жараёнида биринчи босқич бўлди. Шу сабаб, бу гўзал байрам биз учун ҳам баҳор ва ҳам озодлик учун курашиш тимсолига айланди.

Бор-йўғи уч йил ичида кўзқарашимиз бу қадар ўзгаради, деб ҳеч ўйламаган эдик. Бу ҳам — истиқлол шарофати. Истиқлол сабоқлари истиқлол нашидаси қадар зўр ва суръатлидир.

Диний байрамларнинг тикланиши ҳам миллий ғурур камолоти билан боғлиқ. Бугун ийди Рамазон ҳам, ийд ал Фитр ҳам истиқлолнинг узвий йўлдошлари каби идрок этилади.

Мустақиллик байрамининг аҳамияти нимада?

Бундай савол шаккоклик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо шу хил савол мамлакат Президентининг тилида янграгани масала моҳиятига чуқурроқ боқишни тақозо этмайдими?

Дарвоқе, Президент бу саволни янада кескинроқ қўйди: Ўзбекистон мустақиллиги кимга ва нима учун керак?

Албатта, истиқлолни иймон иши деб тушунган ҳар бир инсон кўнглида бу саволга муносиб жавоблар бор.

Аммо бу савол энг чиройли жавобни топиш учун эмас, балки мустақиллик ва унинг муборак номини олган байрамнинг аҳамиятини яна бир карра баҳолаш учун айтилгани аниқ.

Президент таъкидладики, халқимиз бу муборак кунни неча асрлар давомида орзу этди, унинг бу орзу йўлида чеккан жафолари беҳисоб. Қадриятлар топталди, удумлар мазах этилди, миллий онг заҳарланди. Дўппи кийган, рўмол ўраган ўзбек зоти борки, масхара қилинди, тазйиқ остига олинди.

Авваламбор, деди Президент, мустақиллик, бу — шу халқнинг, шу миллатнинг ўз тақдирини ўз қўлига олгани. Ўз урф-одатлари, удумларини тиклагани. Ўзига хос ва ўзига мос йўлни тутгани. Булар — оддий ҳақиқат. Буюк ҳақиқатлар шундай оддий бўлади. Буюк ҳақиқатлар турли чиройли сўзлар ва иборалар либосига бурканишга зор эмас.

Истиқлол, мустақиллик моҳияти шуки, у давлатни давлат этади, миллатни миллат этади, унинг шарофати билан давлати ва миллати қудратини англаган, сезган, онги ва иймони тугул, жисмининг ҳам ҳар бир ҳужайрасига сингдирган инсонлар авлоди нафақат ўзи, балки келажак авлодлар учун баркамол ҳаёт тузишга бел боғлайди.

Эл не деб топгай мениким, мен ўзимни топмасам.

Ҳазрати Навоий бу сўзларни худди миллатимизнинг бугунги кунини кўзлаб айтгандай. Унинг ёд этилмиш сатри бугун ҳар биримизнинг умримиз шиорига айланса арзигулик.

Озодлик боис, миллий мафкура, миллий онг тушунчалари қайтадан ва янгича шиддат билан жунбушга келди. Давлат, жамият, оила қадар барча ижтимоий кўламларга таъсир ўтказди. Мамлакат тараққиёти одимларини белгиловчи мезонга айланди.

Миллий мафкура — шунчаки тор тушунча эмас. Жамият мақсади адолат этиб олинган экан, мафкурамиз маҳдудлик ва биқиқликка рағбат бермайди. Мамлакат Президенти шу нуқтани алоҳида таъкидлаб айтдики, мана шу муқаддас заминда яшаётган, мана шу муқаддас заминни ўз Ватаним деб юракдан ҳис этган, шу ватан ўтмиши, бугуни ва келажагини ўйлаганда жони жизиллаб турган ҳар бир инсонга, унинг миллати ва мазҳабидан қатъи назар, муносиб ҳаёт қурмоқ керак.

Бунинг учун замин бор. Замин шуки, улуғ тарихимиз, чексиз маънавий меросимиз, моддий бойлигимиз, меҳнатдан қочмайдиган заҳматкаш халқимиз бор.

Буларнинг бариси бир-бирига зарб этилса, шундай қудратли омилга айланадики, мўътабар заминимизда яшаётган фуқаролар ва уларнинг азиз фарзандлари учун муносиб ҳаёт яратиш мақсади табиий бир ҳол сифатида англанади.

Президент биздан мана шу оддий мақсад ва оддий ҳақиқатни англашни талаб этмоқда. Бунга унинг маънавий ҳаққи бор. Негаки, унинг пешонасига ана шу ғояга жонни тикмоқ ёзилган. Масъулияти ҳам шунга яраша.

Ватанни ўзи каби севмоққа чорлаётган кишини мақташ, кўкларга кўтариш асло шарт эмас. Фуқародан талаб этиладиган вазифа ҳам жуда оддий — меҳнат ва журъат бобида имкон қадар ҳамкор бўлиш.

Мустақиллик ҳақида гап кетаркан, баландпарвоз гаплар ва қуруқ мадҳияларни четга суриб, зикр этилмиш оддий ҳақиқатни янада оддий ғғлиб халқ онгига етказиш бугунги асосий вазифадир.

Тантанавор байрам ва жиддий сарфу харажатлар не учун керак, деб сўраган ҳар бир кишига ҳам ана шу оддий ҳақиқатни эслатиш даркор.

Яна шуни англамоқ керакки, мустақиллик учун кураш, истиқлол кунига етиш ва уни байрам деб белгилаш билан тугаб қолмайди. Мустақиллик — ҳар кунлик меҳнат. Оғир, машаққатли ва шарафли меҳнат. Истиқлол ўз мевасини бермоғи учун бизнинг саботимиз керак.

Мустақиллик байрамининг аҳамиятини сўз билан ифода этиш қийин. Уни барчамиз юрак билан ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик байрами — биз учун ягона байрам. Энг миллий ва энг ўзбекона байрам. Ҳар гал бу муқаддас байрам шарофати билан юртимиз жонланади, чирой очади, ораста бўлади. Бу байрам фуқарони фаолроқ ва фидойироқ бўлишга чорлайди, қийинчиликлардан чўчимасликка, эртанги фаровон кун шукуҳини англаб етишга, керак бўлса, ўшал орзиқиб кутилаётган кунлар ҳаққи ҳурмати учун барча ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечишга ўргатади.

Вақт — энг катта муаллим, деган бир ҳикмат бор. Озодликда кечирилган вақт сабоқлари эса янада буюкроқдир.

Истиқлол куни — халқимизнинг қадимий тарихида янги фаслни, умидлар барқ уриб гуллаган фаслни бошлаб берди. Илло, бу фасл ғунчалари бехато очилажак. Биздан талаб этилаётан нарсаларнинг моҳияти ҳам оддий — жипслик, меҳру оқибат ва меҳнат.

Президентимиз мустақиллик байрами арафасида бизга яна бир бор эслатган оддий ҳақиқатларнинг маъноси ҳам ана шунда.

Ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Ота- оналар ўз фарзандлари учун ўқув қуроллари, мактаб анжомларини шай қилиш ташвишида юришибди. Уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, "Ўзбексавдо" давлат ассоциацияси, "Ўзбекбирлашув" бошқаруви билан биргаликда "Мактаб бозорлари"ни ташкил этиш тўғрисида махсус буйруқ чиқарган эди. Бугунги кунда жойларда бундай савдо шохобчалари қизғин иш олиб боряпти.

Ота-оналар, ўқувчилар мактаб кийимлари, пойабзал, китоб ва дафтар, ручка, қалам, портфель ҳамда бошқа ўқув қуролларини бемалол харид қилишмоқда. Уларнинг ўқув анжомлари билан тўлиқ таъминланиши пухта билим олишига замин эканлиги шубҳасиздир.

Суратларда: Юнусобод туманидаги 9-мактабда ташкил этилган мактаб бозоридан лавҳалар.

Ҳ. Солиҳов олган суратлар.

Фахрий педагог ўйлари

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР — ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БОҚИЙДИР!

Бир неча кундан кейин мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаймиз. Мана шу кунлар мен учун ўзига хос сарҳисоб кунлари бўлади. Байрам болаларники, бозори катталарники, деб тўғри айтишган. Ёшинг ўтган сари сермулоҳаза бўлиб қолар экансан: ким эдим, ким бўлдим, умримда нималарга эришдим. Айниқса қадр-қиммат кўпроқ ўйлатади.

Эшигингни биров қоқиб келмаса, отингни айтиб биров чақирмаса, инсонлик қадр-қиммати қаерда қолади? Бироқ мен тенгилар шунча йил яшаб, чинакам қадр-қиммат нима эканлигини, мана, энди билиб турибмиз. Шахснинг қадр-қиммати — бу миллатнинг қадр-қиммати экан, бутун бир мамлакатнинг қадр-қиммати экан. Ўгай отанинг ялакат хонадондаги ўн беш ўғлидан бири бўлиб яшайвериш ҳам мумкин экану, лекин узоқдан биров келса, сенинг отингни сўраб келмас экан, тўйга айтса ҳам, сени назарига илмай, хонадон соҳибининг исм-шарифига хат жўнатар экан.

Худога минг қатла шукрки, бугун жаҳоннинг манаман деган давлатлари ҳам ўз отимизни айтиб сўраяпти. Тўйга ўгай ота аравасига миниб эмас, ўз тулпоримиз жиловини тутиб боряпмиз. Ўзбекистон деган давлатга эришдик. Юртимизнинг эгаси, давлатимиз, элимиз саркори юртбошимиз бор. Мамлакатимизни байроғидан, ўзбеклигимизни дўппимиздан танийдиган бўлишди. Ҳамён очсак, миллий валютамиз — сўмимиз бор.

Ўзбекда етти отасини танимаган — етим, деган мақол бор. Амир Темур деса кўп одамнинг лабига учуқ тошарди. Биз энди биргина жаҳонгир бобомизни эмас, дунё маданияти тарихига ҳар турли соҳаларда муносиб ҳисса қўшган улуғ алломаларимизни ҳам бағримизга қайтардик. Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик. Жаҳоннинг адашган назари Ўзбекистондек буюк мамлакатни топиб олди. Мана, мустақиллик бизга нималар берди!

Яқинда Фарғона мактабларидан бирининг бир гуруҳ ўқитувчилари Президентимиз номига хат юборганини эшитиб қолдим. Соғлом фикрли ҳар бир киши хатда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, таълим-тарбияни янги давр талаблари даражасига кўтариш юзасидан қимматли фикрлар билдирилган бўлса керак, дея ўйлаши табиий. Минг афсуслар бўлсинки, муаллимларимиз хатда "ойлигимиз бозор нархида эллик кило гўштга тенг қилинмаса, янги ўқув йилидан мактабга бормаймиз", деб ёзишибди.

Мана, сизга ўзини халқ зиёлиси деб санаган айрим ўқитувчиларимизнинг маънавий қиёфаси! Бу гап оддий бир одамдан чиқса хафа бўлмайсан. Лекин ўқитувчи мустақилликни эллик кило гўштга алмаштириб юбориш даражасига бориб етса, бу кишини қаттиқ изтиробга солади.

Ахир, ҳеч бир замонда, ҳеч бир мамлакатда мустақилликдан сўнг оёққа туриб олиш осон бўлган эмас. Собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан давлатларда кечаётган ғалаёнли жараёнларни ҳам ўқиб-кўриб турибмиз. Буни бошқалар тушунмаса ҳам муаллим тушиниши керак эмасми?

Мустақилликнинг уч йили давомида эришган ютуқларимизни жаҳоннинг манаман деган давлатлари эътироф этиб турган бир пайтда фарғоналик бир гуруҳ муаллимлар хатти-ҳаракатини яна қандай изоҳлаш мумкин?

Биз сиёсий мустақилликни қўлга киритдик. Энди иқтисодий мустақилликка эришувимиз лозим. Бу эса бир кунлик — икки кунлик иш эмас. Ҳозир ҳаммага ҳам осон деб бўлмайди. Юрт юкига елка қўйиб бермасак, нима деган одам бўламиз? Шунга шукр қилишимиз керакки, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли юртимиз тинч, қозонимиз қайнаб турибди.

Қийинчилик деймизу, у ҳамма замонда ҳам бор. Шахсан ўзим 30-йилларда Чиноздаги 19-мактаб ўқитувчиси Саидбек Назаров ночорликдан мактабга ялангоёқ келганига гувоҳ бўлганман. Урўш йилларида эса муаллим маошига бор-йўғи 2 буханка нон олиш мумкин бўлган. Бугун баъзилар қўмсаётган 70 – 80-йилларда ўқитувчининг эгатларга сочилган кесакчалик қадри қолмаган эди. Ўша даврда қабул қилинган "Озиқ-овқат программаси" иқтисодий тангликнинг ниқобланган дастури эди, аслида.

Ўрни келганда шуни ҳам айтмоқчиманки, баъзан тетапоя мамлакатимизни Америка, Германия, Япония каби юзлаб йиллардан буён мустақил рўзғор тебратиб келаётган давлатлар билан солиштирмоқчи бўлишади. Сайҳонда кетаётган одам билан довон ошаётганнинг фарқи бор, ахир!

Қиёслаганда ҳам собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар билан қиёслаш адолатдан. Уч йиллик ривожимиз замирида ўнлаб йилларга тенг тараққиёт мужассам. Президентимиз имзо чеккан "Таълим тўғрисида"ги Қонун мустақил давлатимизнинг дастлабки йилдаги йирик ҳужжатларидан бири бўлди. Бу Қонуннинг мутлақо янги, истиқбол аҳамиятига эга эканлигини ҳар бир педагог яхши билади, деб ўйлайман. Умуман, ҳар бир соҳа эгаси ўз касбига оид ўзгаришлардан хабардор бўлиб бориши лозим.

Мен фахрий педагогман. Лекин таълим борасидаги янгиликларни ён дафтаримга ёзиб, таҳлил қилиб юраман. Мана, ўша ёзувларнинг айримлари. Иттифоқ тарқаб кетгач, иқтисодий алоқаларда узилишлар рўй берганлиги, бюджет маблағлари тақчиллигига қарамай, жумҳуриятимиз раҳбарияти аҳоли кенг қатламини, биринчи навбатда, давлат бюджетидаги ташкилотлар, жумладан, педагогларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан катта ишлаб олиб бормоқда. Президентимизнинг Фармонига биноан 1991 йилнинг декабридан ва 1992 йил давомида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 6, 1993 йилда 7, 1994 йилда 3 марта оширилди. Давлат бюджетидан ана шу мақсадлар учун биргина ҳозирги йилда саккиз юз ярим миллиардга яқин сўм-купон ажратилибди.

Ўқитувчига ижодий ва бошқа ишлар учун кенг имконият яратиш илгаридан муҳим муаммолардан бўлиб келган. Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб бизда бу муаммони ҳал этишга киришилди. Аввалари ойлик педагогик дарс кўлами 20, 18 соат эди. Ҳозир бу кўрсаткич бошланғич синфларда ҳафтасига 14, юқори синфларда эса 16 соатдан иборат.

Адашмасам, Россия, Белоруссия ва Қирғизистонда бу рақам 20 ва 18 соатлигича қолган. Бундай имтиёзли иш кўлами жумҳуриятимизда мактаблар, ҳунар-техника ўқув юртлари ва бошқа бир қатор таълим муассасалари учун белгиланган. Бошқа бюджет ташкилотларининг ходимлари шунча иш ҳақини ҳафтасига 40 соат иш бажарганликлари учун оладилар. Шундай қилиб, ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи ҳозир 279 сўмни ташкил қилади.

Тўғри, ҳозирда синф раҳбарлиги, кабинет мудирлиги, дафтар текшириш ка и қўшимча ишлар учун нисбатан кам ҳақ тўланмоқда. Эшитишимча, бу масала яқин вақтларда ижобий ҳал этилади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга биноан таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлар топиш, Қонунда тақиқланмаган тижорат фаолияти билан шуғулланиш, даромадни эса педагогларни моддий рағбатлантириш учун сарфлаш ҳуқуқига эга. Ҳозир кўпчилик мактабларда таълим билан боғлиқ ишлаб чиқариш меҳнати кенг йўлга қўйилмоқда: миллий ҳунармандчиликка оид устахоналар, кичик корхоналар очилган, яхшигина даромад олаётганлари ҳам талайгина.

Таълим муассасаларига оталиқ ташкилотларининг эътибори ҳам кучайиб боряпти. Яқинда бир суҳбатда Сурхондарёдаги 24-ўрта мактаб хўжалик берган ер майдонида помидор етиштириб, 100 миллион сўм-купон даромад қилишганини айтиб беришди. Энди ўрнига макка экишибди. Ҳаракатда баракат, деб бежиз айтишмаган.

Ўқитувчи жамиятда инсонни шакллантиришдек энг масъул, энг муҳим вазифани бажаради. Президентимиз ўз маърузаларидан бирида мураббийлар ва табиблар Шарқда азал-азалдан эъзозлаб келинганлигини, бугунги кунда ҳам улар халқ назарида, давлат эътиборида эканлигини алоҳида таъкидлаганликлари бежиз эмас.

Мустақиллигимиздан бери ўтган уч йилда ўқитувчиларга ажратилган имтиёзлар бунинг исботидир. Қишлоқ ўқитувчилари коммунал хизматларга ҳақ тўлашдан тўлиқ озод этилган, шаҳарлик муаллимлар эса 50 фоиз арзонлаштирилган нархдан фойдаланишмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа биронтасида ўқитувчига бундай имтиёз берилмаган. Хонадонлари газлаштирилмаган қишлоқ ўқитувчилари эса 1 тоннадан кўмир билан текин таъминланмоқдалар.

Имтиёзлар педагогларимизни давлат уйларини хусусийлаштириш борасида ҳам четлаб ўтгани йўқ. Нафақат давлат уйлари, балки идоралар томонидан ўқитувчиларга ажратилган хонадонлар ҳам бепул хусусийлаштирилиб берилди. Шунингдек, шаҳарда яшовчи педагогик ходимлар шаҳар транспортидан текин фойдаланиб келишмоқда.

Педагогларимизни шахсий уй-жой қуриш учун ер майдонлари билан текин таъминлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармони ўқитувчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги Давлат Қонунида ҳам ўқитувчиларга янги имкониятлар яратилган. Қонунга биноан, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб эркак ўқитувчилар 55 ёшдан, хотин-қиз муаллимлар эса 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: бошқа бирон соҳа ходимларига шунча имтиёз ва қулайликлар яратиб берилганми? Инсоф юзасидан айтганда, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигининг ҳеч бирида юқорида саналган барча имтиёзлар мавжуд эмас.

Вилоят ҳокимликлари ҳам мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш, дала меҳнаткашлари қатори қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўришмоқда. Биргина мисол. Сирдарё вилоятидаги Оқ олтин тумани ҳокими фармойишига кўра барча хўжалик раҳбарлари мактабларнинг бош директорлари қилиб тайинланган. Бош директорлар таълим-тарбия муассасаларини моддий қўллаб-қувватлаш, жорий таъмирдан чиқариш каби вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Бир сўз билан айтганда, жамият мактаб томон юз бурди.

Мен маорифдаги барча янгиликларни келтираётганим йўқ.

Муаллим ижтимоий ўзгаришларнинг орқасида эмас, олдида юриши керак. Шундай педагогларимиз кўп. Ҳар йили ўтказилаётган "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловлари ижодкор, ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчиларни юзага чиқараётир. Ўтган йилги кўрик-танловда жиззахлик информатика муаллими Сарвар Муродов ғолиб бўлди. Сарварнинг ўзи ихтиро қилган кўргазмали қуролларни кўриб дилингиз яйрайди: компьютер йўқ, пул керак, деб ўтираверса, Сарвар Сарвар бўлармиди? Мана, сизга касбига фидойилик!

Муаллим пулдор эмас. У моддий бойлик тўплашда тижоратчи билан беллаша олмайди. Муаллим маънавий бойлик соҳиби. Муаллимнинг бойлиги — билимдон болалар.

Мен бу билан тижоратчини енгил ҳаёт кечиради, демоқчи эмасман. Муаллим узоғи билан ярим кун мактабда бўлса, тижоратчи кечаю кундуз тиним билмайди. Керак бўлса ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уради. Хуллас, ҳар нарсанинг ўз тоши, торозуси бор.

Сирасини айтганда, билимдон муаллим бугунги кунда ҳам эл эътиборида. Олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишнинг тест усули ижодкор, изланувчан ўқитувчиларни яна бир поғона юқори кўтарди. Энди ўқувчи тақдири ўқитувчига боғлиқ бўлиб қолди. Ота-оналар репититорни мактабнинг ўзидан қидиришмоқда.

Мен бу билан нима демоқчиман? Барча касбларнинг онаси — мактаб, отаси — устоз муаллим. Мактаб — келажак бешиги, уни фақат муаллимгина тебрата олади. Ана шундай шарафли касбга муносиб бўлиш энг катта саодатдир.

Жумҳуриятимизда ҳозирги кунда салкам 50 минг пенсионер педагог истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи фаолиятларини давом эттиришмоқда. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган фахрийларимизнинг бой тажрибаси бугун айниқса зарурдир. Сергайрат, янгича дунёқарашдаги, билимга чанқоқ ёшларимизга худди шу ҳаётий тажриба, қийинчиликларни енгиб ўтишда мустаҳкам ирода етишмаётганлиги сир эмас. Шундай бир шароитда ёшларимиз шижоати ва кексаларимизнинг сабр-матонати уйғунлигига эришиш ғоят муҳим, деб ўйлайман.

Ноёб маданий бойлигимиз Қуръоннинг "Юсуф сураси"да ёзилишича, Юсуф мушриклар томонидан етказилган беҳисоб озору азиятлар, машаққатларни чиройли сабр орқали енгиб ўтганлиги учун саодатга эришади. Чиройли сабр — бу фаолиятсизлик эмас, аксинча, матонат ва оқиллик мужассам бўлган ҳаракатдаги сабрдир. Қийинчиликлардан устун келиш борасидаги Юсуф матонати биз педагоглар учун маънавий ибрат намунаси эмасми?

Олижаноб одатлар, донишмандлар айтганларидек, намуна туфайли таркиб топади. Ўқитувчи ўқувчиларга фақат билими билангина эмас, балки одоби, турмуш тарзи, ҳар кунги воқеаларга муносабати билан ҳам таъсир қилади. Маънавиятни моддий мезон билан ўлчашга уринаётган ўша бир гуруҳ фарғоналик муаллимлар кўз-қарашларини жиддий ўзгартирмасалар, улар қўлида таълим олаётган болаларнинг аҳволи эртага нима кечади? Бизни ҳаммадан кўра кўпроқ безовта қилаётган нарса ҳам мана шу!

Эшитишимча, хатга имзо чеккан муаллимларнинг кўпчилиги калта ўйлаганликларидан ҳижолат эмиш. Лекин бир кетган уят қайтиб келармикан? Муаллимлик — қисмат. Бизни ҳеч ким мажбурлаб мактабга олиб келган эмас. Шундай экан, ё ўз ихтиёримиз билан очган эшикни ўз ихтиёримиз билан ёпиб кетиш маданиятини ўрганайлик, ё ўз касбимизга чинакам маънода муносиб бўлайлик!

Муаллим — мустақиллик жарчисидир!

Мен педагогларимизнинг эртанги ёруғ кунларига ишонаман. Шунинг учун ҳам ўз мулоҳазаларим якунида Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сафарбар сўзларини келтирмоқчиман: "Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт. Жамиятимизни янгилаш ва иқтисодиётни янгича ташкил этиш, республикамизни қудратли ва гуллаб-яшнаган ўлкага айлантириш борасида олдимизга қўйган улуғвор вазифаларни жисман ва маънан соғлом, ўқимишли авлодгина амалга ошира олишини унутмаслигимиз керак!".

Пировардида шуни айтмоқчиманки, бугунги қийинчиликлар — ўткинчи, Мустақил Ўзбекистон эса боқийдир!

Шораҳим ГАДОЙБОЕВ,
Ўзбекистон Ўқитувчилар уйи қошидаги педагог уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Мустақиллик медали совриндори.



МАЪРИФАТ ЧЕЧАКЛАРИ



Ҳазрат Алишер Навоийнинг руҳи поклари маънавият сари ҳидоят қилиб турган Тошкент нафис санъат лицейи яқиндагина ҳам қувончу, ҳам бир маъюслик ила илк қалдирғочларни мустақил ҳаётга учирма қилган эди. Бугун бу даргоҳда яна бир ҳаяжонли дам: шогирдлар ўрнига янги навниҳоллар сараланмоқда.

Лицей ҳовлиси ўқувчилар ва ота-оналар билан гавжум. Улар юзидаги ҳаяжон ва ҳадикни кўриб, лицейнинг ўзига хос обрў, ўзига хос мавқега эга эканлигига яна бир карра ишондик.

— Мен Сариосиё туманиданман, — дейди ўзини Мурод Мелибоев деб таништирган киши. — Ўғлим Умиднинг инглиз тилига бўлган иқтидорини кўриб, тўғри шу ерга келдим.

Чунки бу мактаб ҳақида жуда кўп эшитганман, фақат шу ердагина жаҳон андозаларига хос билим берилади, деб ўйлайман. Ўз йўналишлари бўйича республикамизда ягона бўлган бу лицейга ҳозир 250 дан ортиқ ўқувчи талабгор бўлиб турибди. Лекин...

— Лекин биз фақат иқтидорли ўқувчиларнигина танлаб олишимиз керак, — дейди лицей раҳбари Сўлмас Султонов. - - Бизнинг ўз мезонларимиз бор. У уч босқичдан иборат. Даставвал, болалар руҳшунослик фанлари доктори Ботир Қодиров ишлаб чиққан услуб асосида руҳий тестдан ўтказилади. Бу синов уларнинг қайси йўналиш бўйича қанчалик иқтидорга эга эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Сўнг ўқувчилардан ёзма иш олиниб, танлаган соҳалари бўйича сухбат қилинади. Ана шу уч синовдан юқори балл олганларгина лицей ўқувчиси деган бахтга муяссар бўлади.

Келажагимиз сарчашмаси — маънавият. Лицейнинг бўлажак ўқувчилари ҳам маънавиятимиз, маърифатимиз гулшанини яратмоққа ўз ҳиссасини қўшади. Бу чечаклар мустақиллигимиз йўлларини ўз турфа ранглари билан яшнатгусидир. Биз уларга омад тилаб қоламиз.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

АТТЕСТАЦИЯ — ЮКСАЛИШ МУҚАДДИМАСИ

Жонкуяр, ўзларига талабчан педагог ходимлар ишларини муносиб баҳолаш ҳамда ҳар бир муаллим фаолиятининг якунига кўра табақалаштириб ҳақ тўлаш мақсадида таълим-тарбия муассасалари педагогларини аттестациядан ўтказиш йўлга қўйилганлигидан газетхонларимиз яхши хабардор. Мазкур аттестация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасалари педагог ходимларининг аттестацияси тўғрисида"ги Низом асосида олиб борилаётир.

Бироқ жойларда аттестация ўтказилишини ўрганиш, ўқитувчи, тарбиячи ва бошқа ходимлардан тушаётган хат ва аризалар айрим ҳолларда Низом қўпол бузилаётганини кўрсатяпти. Бу эса баъзи таълим-тарбия муассасаларида ходимларнинг норози бўлишига ҳам олиб келмоқда. Шу билан бирга англашилмовчилик ҳоллари ҳам кўп. Айрим таълим муассасаларида баъзи фанлардан биттагина ўқитувчи бор, уларнинг аттестацияси қандай ташкил этилади? Мактаб раҳбарлари педагог сифатида қаерда аттестациядан ўтади? Мухтахассис бўлмаган ўқитувчиларга ҳам малака тоифаси бериладими? Шу сингари қатор саволлар бугунги кунда муштарийларимизни қизиқтирмоқда. Шу боис бу мақолада педагогларни аттестацияга тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича туркум саволларга жавоб бермоқчимиз.

Аввало, педагог ходимларни аттестацияга тайёрлаш жараёнини шу тўғридаги Низомни, малака тавсифномаларини чуқур ўрганишдан бошлаш лозим.

Аттестация ўтказишдан мақсад — таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, педагог ходимларнинг касб-кор сифатлари ва меҳнатларини баҳолашдир.

Низомда қайд этилганидек, педагог ходимларга барча малака тоифасини, шу жумладан, олий малака тоифасини ҳам таълим-тарбия муассасаларида ташкил этилган аттестация комиссияси беради. Бу эса муассаса раҳбарияти ва аттестация комиссияларининг педагоглар фаолиятини баҳолашдаги масъулиятини оширибгина қолмай, демократик асосда педагог меҳнатини баҳолаш имкониятини туғдиради.

Мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар педагог ходимлари даврий равишда уч йилда бир марта, бошқа таълим муассасаларнинг педагог ходимлари эса даврий равишда камида 5 йилда бир марта аттестациядан ўтадилар. Битим шаклида меҳнат шартномасини тузган педагоглар аттестациясининг даврийлиги улар билан тузилган битим муддатига боғлиқ. Ёш мутахассислар ўқув юртини битириб ишга келганларидан, ҳомиладорлик ва болага қараш учун узоқ муддатли таътилда (декретда) бўлган педагог аёллар ишга қайтганларидан кейин камида бир йилдан сўнг аттестациядан ўтадилар. Ёш мутахассисларга ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш устаси малака тоифасига мувофиқ, декретдан қайтган аёл ўқитувчиларга эса олдинги аттестация қарори асосидаги малака тоифаси бўйича ойлик маоши белгиланади. Мактаб ва бошқа таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари раҳбарлик вазифалари билан бирга ўқитувчилик (тарбиячилик) фаолиятини олиб борсалар, аттестация даврийлигини ҳисобга олиб, камида 5 йилда бир марта педагог ходим сифатида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган эксперт комиссияларида аттестациядан ўтадилар.

Агар мактабда бирон-бир фандан биттагина ўқитувчи бўлса, у ҳолда уни аттестацияга тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишда туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ҳамда педагогика ўқув юртларининг шу фан бўйича мутахассислари эксперт сифатида аттестация ишларида иштирок этадилар.

Мутахассислиги тўғри келмаган ҳолда-чи? Масалан, қишлоқ хўжалик институтининг агрономия бўлимини битириб, 5-6 йилдан буён мактабда биология ёки кимёдан дарс бераётган ўқитувчиларга малака тоифаси бериш мумкинми?

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига биноан педагог лавозимига махсус билими, мутахассислиги бўйича тайёрлиги бўлган ҳамда юқори маънавий хислатларга эга шахслар қабул қилинадилар. Бироқ айрим жойларда педагоглар етишмаганлиги учун махсус маълумоти бўлмаганлар ҳам ўқитувчилик билан шуғулланяптилар. Бундай ўқитувчилар малака ошириш институтларида таҳсил олган бўлишлари ҳамда аттестациядан ўтишлари лозим. Албатта, бу ҳолда уларга ҳам аттестация комиссияси тегишли фан методбирлашмаси тавсияси ҳамда узаро тузилган меҳнат шартномаси шартларининг бажарилишини эътиборга олиб, малака тавсифномалари талабларига биноан у ёки бу малака тоифасини бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бошқарув аппарати ходимлари таълим-тарбия муассасаларида дарс бераётган бўлсалар, улар белгиланган тартибда, ўриндошлик бўйича ишлаётган жойларда педагог ходим сифатида аттестациядан ўтадилар. Айрим туман халқ таълими бўлими ходимлари штат жадвали бўйича белгиланган лавозим тоифаси шу шахсларнинг педагог сифатидаги малака тоифаси ҳам деб тушунадилар. Бу — нотўғри, албатта. Бундай педагоглар аттестациядан ўтиб, касб-кор маҳоратларига таълим муассасаси методбирлашмаси, аттестация комиссияси, малака тавсифномларига биноан у ёки бу малака тоифаларига эга бўлишлари ва шу асосда бераётган дарс соатлари учун ҳақ олишлари керак.

Педагогика институтларини имтиёзли диплом билан тугатган ёш мутахассислар қайси малака тоифаси билан ишга қабул қилинишлари хусусида ҳам бизга қатор мактаблардан саволлар тушган. Маълумки, ҳар бир институт ўз битирувчилари дипломларига уларнинг малакаси тўғрисида маълумот ёзиб беради. Ёш мутахассис ана шу малака тоифасига биноан ишга қабул қилинади ёки у билан битим тузилади.

Айрим худудлардаги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳалигача олий тоифани бериш ёки бошқа берилган тоифаларни тасдиқлашни давом эттираяптилар. Бу ҳол Низомда кўзда тутилмагандир. Халқ таълими вилоят бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари қошида тузилган эксперт комиссиялари асосан муассаса аттестация комиссияси педагог фаолиятини баҳолашда маълум бир хулосага кела олмаса, ёхуд аттестациядан ўтувчи шахс комиссия хулосасидан норози бўлса, унинг аризасига асосан масалани кўриб чиқиши мумкин. Бунда эксперт комиссияси муассаса комиссиясининг қарори тўғри ёки нотўғрилиги хусусида ўз хулосасини тайёрлайди ва шу асосда муассаса аттестация комиссияси узил-кесил қарор қабул қилади. Бундан ташқари, эксперт комиссияси вазифалари доирасига, ўз мактабларида дарс бераётган раҳбар ходимларни педагог сифатида аттестациядан ўтказиш ҳам киради.

Яна бир муҳим масала, бу — муассаса аттестация комиссиялари иш жараёнида аттестациядан ўтувчига касб маҳоратини ошириш бўйича тавсиялар беришидир. Мазкур тавсиялар аттестация комиссияси қарори баённомасида қайд этилиб, уларнинг бажарилиши мунтазам назорат этилиши шарт. Кейинги аттестация вақтида эса тавсияларнинг қай даражада бажарилганлиги, албатта, ҳисобга олиниши керак. Ўз навбатида муассаса маъмурияти аттестация комиссияси қабул қилган тавсияларни педагог ходим томонидан бажарилишида уларга зарур шароит яратиб бериши, амалий ишларида методик ёрдам кўрсатиши лозим.

Вазирлик ўтказган таҳлил шуни кўрсатдики, айрим муассасаларда барча педагог ходимлар билан меҳнат шартномаси (битим) бир хил муддатга тузилган. Бу, биринчидан, битим моҳиятини тушириб юборади, чунки барча ўқитувчилар бир хил шароитда бўлиб қоладилар. Иккинчидан, барча педагоглар бир вақтда аттестацияга тайёрланиб, аттестациядан ўтадилар. Бу эса муассаса маъмуриятининг, аттестация комиссиясининг ҳар бир педагог ишини батафсил, мукаммал ўрганиш, уларнинг ишлари якунига ҳаққоний баҳо бериш имкониятини чеклаб қўяди. Шунинг учун педагог ходимлар билан меҳнат шартномаси битим шаклида тузилганда ҳар бир ўқитувчининг шахсий фазилатларини, касб маҳорати, назарий ва амалий, методик жиҳатдан тайёргарлигини ва иш натижаларини ҳисобга олиб, улар билан бир йилдан беш йилгача бўлган муддатга битим тузилади. Битим муддати тугашига икки ой қолганда педагог ходим қайта аттестациядан ўтади.

Шуни алоҳида эслатиш лозимки, педагог ходимлар билан меҳнат шартномасининг битим шаклига ўтишдан мақсад таълим муассасаси раҳбарининг муассаса олдига қўйилган вазифани бажаришдаги масъулиятини ошириш ҳамда томонларнинг вазифаларини аниқ белгилаб олишдир. Педагог ходимга қўйиладиган шартлар давлат таълими талабига мувофиқ ишлаб чиқилган малака тавсифномалари ва лавозим йўриқномалари асосида белгиланади.

Меҳнат шартномасини битим шаклида тузилишининг афзалликларидан бири шундаки, битим билан ишлаётганларнинг иш ҳақи фақатгина аттестация натижасида берилган малака тоифасига боғлиқ бўлиб қолмайди. Уларнинг иш ҳақини муассаса имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик ҳисоби даромадидан, иш ҳақи фондини тежаш туфайли ҳосил бўлган маблағдан ва ҳомийлар ҳисобидан ҳам ошириш мумкин.

Умуман, педагог ходимлар аттестацияси "Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга оширишда муҳим бир омилдир. У ўқитувчи касб-маҳоратини тинимсиз ўстиришга, меҳнат самарадорлигини оширишга ва шу туфайли моддий манфаатдорликни таъминлашга мунтазам даъват этади. Бу эса пировард натижада таълим-тарбия ишининг сифат жиҳатдан ўсиб боришига замин яратадики, бундан ёш авлод, жамият ютади.

Мукамбар УСМОНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармасининг бош назоратчи-услубчиси.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

БАҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА...

Шу йилнинг май ойи ўрталарида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги илм масканларида янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишларини марказлашган ҳолда назорат қилиш мақсадида штаб тузилганди. Ўтган чоршанба куни штабнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Шу кунга қадар якунланиши лозим бўлган жорий таъмир бўйича ҳисобот берилганлиги, қолаверса, жумҳуриятимизда янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолганлиги боис бу галги йиғилиш кескин руҳда ўтди. Йиғилишни олиб борган штаб бошлиғи, Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВ яхши натижалар қаторида жиддий камчиликлар ҳам борлиги ҳақида куюниб сўзлади:

— Ҳадемай юртимизда мустақиллигимизнинг уч йиллиги кенг нишонланади. Шу шодиёна кунларда республикамиздаги минглаб илм масканлари ўқувчиларга ўз эшикларини очади. Болаларимиз қувончига-қувонч қўшиш бизнинг ўтган тўрт ой давомида амалга оширилган ишларимиз натижаларига боғлиқ. Афсуски, жорий таъмир ҳануз якунлангани йўқ. Республика бўйича режадаги 98 фоиз умумтаълим мактаблари, 95 фоиз болалар боғчалари, 96 фоиз мактаб-интернатлар, 99 фоиз мактабларо ўқув ишлаб чиқариш корхоналари, 96 фоиз ҳунар-техника билим юртлари жорий таъмирдан чиқарилган.

Ўта масъулият билан ёндошилиши керак бўлган ялпи таъмир кўрсаткичлари ҳам кутилганидек эмас. Умумтаълим мактабларининг 85, болалар боғчаларининг 82, мактабдан ташқари муассасаларининг 90, мактаб-интернатларнинг 79, мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарининг 96, ҳунар-техника билим юртларининг 86 фоизи ялпи таъмирдан чиқарилган. Бу борадаги ишларни шу пайтгача атиги ярмига ҳам етказмаган Сирдарё вилояти ҳокимлиги, жойлардаги масъул кишилар айни кунларда жадал ҳаракат қилмасалар, кейин кеч бўлади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам ялпи таъмир жонлантирилиши лозим.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, қаерда халқ таълими муассасалари билан маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда ишлар салмоғи ҳам баракали. Қаерда бу ҳолнинг акси бўлса, ишлар ҳам ўлда-жўлда.

Ҳозирда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик сусткашлик билан олиб борилаётганлиги ҳам нотиқ томонидан алоҳида таъкидланди. Гўёки, бу ишни бажариш учун олдинда вақт кўпдек туюлса-да, ҳадемай янги ўқув йили бошланиб, асосий эътиборни ўқиш ва ўқитишга қаратиш пайти келганда мактаб раҳбарлари гоҳ кўмир, гоҳ ёнилғи излаш билан овора бўлиб қолишади. Бу эса ўз ўрнида таълим мароминнинг бузилишига олиб келади.

Йиғилиш кун тартибида таълим мазмунига оид масала, яъни дарсликларнинг жўнатилиши, жойларга етиб бориши ва тарқатилиши ҳам асосий ўринда туради. Айрим вилоятларга дарсликлар тўлиқ етиб бормаганлиги, уларни марказлашган тарзда, ўз вақтида тарқатиш йўлга қўйилмаганлиги танқид қилинди.

Йиғилишда Сирдарё, Самарқанд вилояти ҳамда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳақидаги ҳисоботлар тингланди. Ўзига хос синов, яъни ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолган бир паллада бор ички имкониятлардан фойдаланиб, поёнига етмаган юмушларни тез орада уддалашга бутун куч-ғайратни сарфлаш кераклиги штаб йиғилишининг асосий хулосаси бўлди.

А. РАҲИМОВ.

ТАРАДДУД

Республикамиз таълим муассасаларида янги ўқув мавсумига тайёргарлик кўриш ниҳоясига етаётир. Ўқув биноларини таъмирдан чиқариш кўпгина туманларда якунланди. Биринчи синфларга ўқувчилар қабул қилиш, ўрта таълим мактабларининг барча босқичлари синфларини комплектлаш, фан кабинетлари ва устахоналарини янгидан жиҳозлаш, ўқувчиларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, ўқитувчилар касб-кор тайёргарлигини пухталаштириш, август кенгашларига ҳозирлик кўриш каби кўпдан-кўп ишлар амалга оширилаётир. Шу муносабат билан мухбиримиз бу ишга масъул халқ таълими бошқарувининг раҳбарларига "Янги ўқув йилига тайёрмисиз?" деган савол билан мурожаат қилди. Қуйида уларнинг жавоблари билан танишасиз.

Б. НАСРЕТДИНОВ, Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

— Август кенгашлари педагоглар учун янги ўқув йилига "Оқ йўл!" берувчи энг катта анжумандир. Бу анжуманни пухта ташкил этиш, энг муҳим масалаларни муҳокамадан ўтказиш ўқув йили йўналишларини аниқ белгилашга имкон яратади, таълим-тарбия ишидаги ҳаракат дастурининг мақсадларини равшанлаштиради. Шу боис вилоятимиз халқ таълими ходимлари август кенгашларига жиддий ҳозирлик кўраётирлар.

Аввало, республика Халқ таълими вазирлигининг ушбу масала бўйича "Маърифат" газетасида эълон қилинган тавсияномалари шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари ва услубхоналар мудирлари иштирокида атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишда август анжуманларини қай тартибда ўтказиш ҳамда қандай масалаларга асосий эътиборни қаратиш белгилаб олинди.

Ялпи ва шўъба йиғилишлари уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда вилоят халқ таълими ходимларининг ялпи йиғилиши "Фарҳод" маданият саройида ўтказилиб, унда вилоятдаги барча мактаб, ҳунар билим юрти, мактаб-интернат, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари, ХТБ мудирлари, шаҳар, туман раҳбарлик ташкилотларининг ходимлари, идора ва ташкилот раҳбарлари иштироки таъминланади. Ялпи йиғилишда 1993-94 ўқув йили якунлари 1994-95 ўқув йилида халқ таълими ходимлари олдида турган вазифалар муҳокама этилиб, халқ таълимини ривожлантириш режалари белгиланиб олинади. Анжуман ўтадиган жойда мактаб ярмаркалари, китоб савдоси, кўргазмалар, давра суҳбатлари, ветеранлар билан учрашувлар, вилоят ҳокими билан очиқ мулоқот, мактаб ва ҳунар билим юртларида ўқувчилар қўли билан ишлаб чиқарган маҳсулот ва товарлар савдоси ташкил этилади.

Август кенгашини ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, барча ишлар белгиланган. Унинг иккинчи ва учинчи босқичи шаҳар ва туманларда 18-24 август кунлари ялпи ва шўъба ишлари шаклида ўтади, кейин мактабларда, боғчаларда, ҳунар билим юртларида ва мактабдан ташқари муассасаларда ўтказилади. Анжуманни ўтказиш бўйича методик ҳамда тавсияномалар ишлаб чиқилиб, барча жойларга етказилган.

Шўъба йиғилишлари "Йил мактаби" танлови ғолиблари бўлган жойларда ўтказилади. Ушбу босқичларда илғор ўқитувчи ва тарбиячилар, "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси" ғолиблари билан учрашувлар, ўқитиш ва тарбиянинг янги технологик усуллари масалалари бўйича давра суҳбатлари, ветеранлар билан учрашувлар ташкил этилади. Шунингдек кўргазмалар, ўқув қуроллари ва китоб савдолари уюштирилади, илғор тажрибалар рўзнома, радио ва телевидение орқали ёритилиб борилади.

Шўъба ишларида янги ўқув режа ва дастурлар, янги киритилган фанларнинг ўқитилиши, "Давлат тили тўғрисида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунларнинг бажарилиши, янги турдаги мактаблар, синфлар ташкил этиш, 1993-94 ўқув йили якунлари, янги ўқув йили вазифаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

Илғор мактаблар ва ўқитувчилар иш фаолияти тасвирга олинган видеофильм ва лавҳалар йиғилишлар даврида намойиш этилади.

Август кенгашларининг якунлари педагогика, ХТБлари кенгашларида, вилоят халқ таълими бошқармаси Ҳайъат йиғилишларида кенг муҳокама этилади.

М. БУРХОНОВ, Сирдарё шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг муовини:

— Куни кеча шаҳримиздаги 1, 4, 6, 8-мактабларда, ўқув комбинати ва табиатшунослар уйида, 6 та боғчада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Бу ишларни амалга оширган 8- қурилиш бошқармаси бунёдкорлари 105 миллион сўмлик ҳажмдаги ишларни адо этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим-тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлашда оталиқ ташкилотларининг ёрдами катта бўлди. Улар томонидан ҳозирги кунга қадар таълим муассасаларини таъмирлаш, ўқув-моддий базани кенгайтириш учун 60 миллион сўм ўтказилди. Айниқса, Сирдарё рефрижератор вагонлари депоси, 503-қурилиш-монтаж поезди жамоалари оталиқ ишида катта ҳиммат кўрсатдилар.

Янги ўқув йили учун педагог кадрларни тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги кунга қадар 61 нафар ўқитувчи ва 35 нафар тарбиячи қайта тайёргарлик ҳамда малака оширишдан ўтди.

1994-95 ўқув йилида шаҳримиз мактабларида 5530 ўқувчи, боғчаларида 1940 кичкинтой таълим-тарбия олади. Биринчи синфларга жами 639 бола қабул қилинади. 5, 6, 8-мактабларда биринчи бор лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўқитиш бошланади. Буни амалга ошириш учун барча зарурий тадбирлар белгиланган.

Ишонч билан айтиш мумкинки, янги ўқув йили таълим-тарбия муассасаларимизда кўтаринки руҳда муваффақиятли бошланади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун — амалда!

ЁШ АВЛОД — ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

Абдуалим БЎРИЕВ,
Денов шаҳри ҳокими

Келажаги буюк Ўзбекистон тараққиёт сари ўз истиқлол йўлидан дадил одимламоқда. Республикамиз раҳбарияти томонидан қатъият билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси яққол кўзга ташлана бошлади. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётганлиги, Президентимиз кўрсатиб берган беш тамойил асосида иш тутилиб, давлат бош ислоҳотчи сифатида намоён бўлаётганлиги кишиларда келажакка тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқда. Давлат бошқарув органининг муҳим тармоғи бўлган ҳокимиятлар саъй-ҳаракатларини юртимизнинг осойишталиги, элимизнинг фаровонлигини таъминлаш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўналтираётирлар.

Бизнинг Денов шаҳар ҳокимияти ҳам барча соҳалар қатори халқ маънавиятини юксалтириш, таълим тизимини тубдан янгилаш учун шарт-шароитлар яратишга эътиборни қаратиб келяпти. Зотан, юртбошимиз таъкидлаганидек "Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур". Ана шу мақсадда биз "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилишини таъминлашга, аввало шаҳримиздаги таълим-тарбия муассасаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодига ўтиш шароитида ўқитувчи ва тарбиячиларни ижтимоий муҳофаза қилишга, уларнинг самарали фаолият кўрсатиш учун барча қулайликларни вужудга келтиришга астойдил киришганмиз.

Келажак эгалари бўлган ёш авлоднинг пухта билим олиши, ҳаётга тайёргарлиги, аввало, таълим муассасасининг замонавий таянч ўқув-моддий базасига ҳам боғлиқдир. Уни вужудга келтириш учун шаҳар ҳокимияти барча мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларини йирик саноат, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларига бириктириб қўйди. Бундай оталиқ ёрдами ўқув-моддий базани мустаҳкамлашгагина эмас, таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш жамоалари билан алоқаларини кенгайтиришга, ёшларни касбларга йўналтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Ҳомийлар ҳиммати билан бу йил шаҳримиздаги мактаб ва боғчалар бюджетдан пул сарфланмасдан тўлиқ таъмирдан чиқарилди, газлаштирилди. Шаҳар ҳокимияти иқтисодий қийинчиликларга қарамай мактаб, боғча ва бошқа таълим муассасалари қурилишини жадаллаштириш имкониятларини излашмоқда. Жумладан шаҳримиздаги Ломоносов номидаги 1-ўрта мактабнинг хароб биноси ўрнида "Сурхонирстрой"та қарашли қурилиш бошқармаси бўлими, корхона ва ташкилотлар қарамоғидаги болалар боғчалари оталиқ қилмоқда. Малакали мутахассислар, шифокорлар айни пайтда уй боғчаларида тарбияланаётган болалар билан машғулотлар ўтказишда, саломатлигини назорат қилишда тегишли ёрдам ва маслаҳатларини бериб бораётирлар.

Соғлом авлоднинг вояга етиши, билим олиши, комил инсонлар бўлиб тарбияланиши учун шаҳар ҳокимияти бор имкониятларини сафарбар этаётир. Хусусан, ўтган ўқув йилида ҳокимият мактабларнинг аълочи, жамоат ишларида фаол қатнашган 620 нафар ўқувчига стипендия жорий этди. Ўқувчиларнинг ёзги таътилларини кўнгилли ўтказиши учун зарур чора-тадбирларни белгилади. Ҳордиқ чиқариш масканларига хўл мевалар, полиз ва сабзавот маҳсулотлари узлуксиз етказиб бериб турилибди.

Ёш авлод маънавий шаклланишининг, уларнинг чуқур билим эгаллашининг асосий жонкуярлари бўлган педагог ва тарбиячиларга ғамхўрлик қилиш ҳам ҳокимиятимизнинг биринчи даражали вазифаларидан бўлиб келмоқда. Президентимизнинг фармонлари асосида шаҳримиздаги халқ таълими ходимларининг уй-жойлари хусусийлаштириб берилди. Ҳокимият қарори билан 920 нафар халқ таълими ходими шаҳар жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлди. Бунинг учун биз ўтган ўқув йилининг ўзидаёқ маҳаллий бюджетдан 50 миллион сўм-купон ажратдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали халқ таълими соҳасида бир қатор муаммоларимиз ҳам бор. Ечимини кутаётган бу масалаларни тезроқ ҳал қилиш имкониятларини муттасил излаяпмиз. Чунки вақт кутиб турмайди, камол топаётган авлод ҳам улгая беради, таълим-тарбия ишини эса пайсалга солиб бўлмайди. Шу боисдан тараққиётнинг бу узлуксиз устивор йўналиши биздан доимий эътиборни сергакликни омилкорликни, куч-ғайратни талаб этади. Келажак бугунги фаолиятимиздан бошланишининг асл моҳияти ҳам ана шунда деб биламиз.

ИҚТИДОРЛИЛАР МАСКАНИ

Иқтидорли ўқувчилар илгарилари асосан мактабларда ташкил қилинган фанлар чуқур ўргатиладиган синфларда таълим олишарди. Бу албатта ҳаммани қониқтирмасди. Шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари ҳам турли йўналишдаги фанларни ўрганувчи ўқувчилар учун лицей ташкил қилиш зарурлигини тушуниб етди ва шу хусусда шаҳар ҳокимиятига ва вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат қилди. Кўп ўтмасдан бу ташаббус қўллаб-қувватланди. Шу аснода Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 1993 йил 24 августда Денов шаҳрида математика, инглиз тили, физика фанларини чуқур ўрганадиган лицей ташкил қилиш ҳақидаги қарори чиқди. Ана шу қарор асосида шаҳарда лицей ташкил қилиниб, унга тажрибали, юқори тоифали ўқитувчилар жалб этилди. Унга шаҳар ва туман мактабларидан 94 ўқувчи тест синови ва суҳбат орқали қабул қилинди. Лицей ўқувчиларига математика, инглиз тили ва физикадан пухта билим бериш дастури ишлаб чиқилди. Айниқса, математика фани дастурини ишлаб чиқишда Термиз давлат дорилфунуни доценти Баҳодир Жўраевнинг хизмати катта бўлди. Дастур вилоят халқ таълими бўлими томонидан атрофлича таҳлил қилингач,

Республика ўқув-методика маркази томонидан тасдиқланди. Қабул қилинган ўқувчиларни лицей дастурига тайёрлаш мақсадида ўқувчиларга икки ой мобайнида арифметика, алгебра, геометрия фанларининг бошланғич қисмидан сабоқ берилди. Натижа ёмон бўлмади, яъни ўқувчилар чуқурлаштирилган дастур материалларини бемалол ўзлаштириб олишди. Ўқув йилининг биринчи ярмида лицейимиз ўқувчиларининг оддий мактаб ўқувчилари билимидан фарқи борлиги сезилди. Шаҳарда ўтказилган фанлар олимпиадасига қатнашган 21 ўқувчининг 13 нафари вилоят олимпиадаларига қатнашиш ҳуқукини қўлга киритишди. Икки нафар ўқувчимиз эса республика фан олимпиадаларида қатнашди. Рустам Салимов (10-синф) информатикадан, Саидмурод Ҳусанов (10- синф) математикадан яхши ўринларни эгаллашди. Лицейда 12 ўқитувчи ўқувчиларга пухта билим беришмоқда.

Олий тоифали математика ва информатика ўқитувчиси Абдуғани Султонмуродов, биринчи тоифали физика ўқитувчиси Адолат Менгқулова, олий тоифали кимё фани ўқитувчиси

Муҳаммад Рашидов, иккинчи тоифали инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Чориева, биринчи тоифали она тили ва адабиёти ўқитувчиси Зулфия Умарова ва бошқалар андозасиз услублар билан ўқувчиларга пухта билим бериб келишаётир.

Лицей маъмурияти ўқувчиларга фан асосларини ва унинг янгиликларини чуқурроқ етказиш мақсадида Тошкент ва Термиз давлат дорилфунуни билан шартнома тузди ҳамда олимларни дарс ўтишга таклиф этди. Тошкент давлат дорилфунунининг профессори, физика-математика фанлари доктори Сафар Абдуназаров, Термиз давлат дорилфунуни доценти Баҳодир Жўлиев, Ғофуржон Аллаевлар лицей ўқувчиларига математика сирларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришда, билимини мустаҳкамлашда катта ёрдам бермоқдалар.

Ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш, илмий изланишларга одатлантириш мақсадида лицей маъмурияти лицей қошида Кичик фанлар академиясини ташкил қилди ва унинг уставини ишлаб чиқди. Кичик академияга 10-синф ўқувчиларидан Улуғбек Аҳмедов, Умид Жўралиевлар раҳбарлик қилаяпти. Кичик академия йиғилишларида иқтидорли ўғил-қизлар аъзоликка сайланадилар. Академиянинг бўлимлари турли соҳаларда изланишлар олиб бормоқда. Ўқув йили давомида ўқув дастурларининг илмийлигини, унинг ўқувчиларга мослигини режалаштириб бориш мақсадида фан кафедралари ташкил қилинди. Кафедралар режалар ва дастурлар, чоракликларда ўтказилаётган имтиҳон ва тест саволларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Хуллас, ўтган ўқув йилдан олиб борилган ишлар натижаси ёмон бўлмади. Имтиҳонларнинг ҳаммаси тест асосида ўтказилди

Янги — 1994-95 ўқув йилида ҳам ўқувчилар математика, иқтисод, педагогика, инглиз тили, физика йўналиши бўйича таҳсил кўрадилар. Бунга биз пухта тайёргарлик кўриб қўйганмиз.

Сирож АСЛАМОВ,
Денов шаҳридаги 3-лицей директори.

БОҒЧАДА ДАВЛАТ ТИЛИ

Шаҳардаги 7-"Қалдирғоч" болалар боғчасига ишга келганимда, жуда ҳайратланган эдим. Ўша пайтда боғчанинг номи ҳам "Теримок" деб юритиларди. Боғча меҳнат жамоасининг қарийб 70-80 фоизини русийзабон кишилар ташкил этар, тарбияланувчилар гуруҳларининг ҳаммасида машғулотлар рус тилида олиб бориларди. Ваҳоланки, тарбияланувчиларнинг қарийб 95-97 фоизини ўзбек тилини тушунадиган болалар ташкил этарди. Ҳамшира, ошпаз, энага ва бошқа хизмат қилувчи ходимлар ҳам рус тилида гаплашишар ва иш юритиш ҳам шу тилда амалга ошириларди. Бу тартибга эътироф билдириб бўлмасди. Лекин она сути билан кирган фазилатимданми, миллий ғурурим устунлигиданми ходимлар билан кўпроқ ўзбек тилида муомала қила бошладим. Бу эса уларга ёқмас, маданиятсизликка йўйишмоқчи бўлишарди. Ҳатто йиғилишларда бу ҳақда юзимга ҳам очиқчасига айтганлар бўлди. Мен эса ўз йўлимдан қолмадим.

Шукрлар бўлсинки, тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бу Қонун ҳаётимизда янги бурилиш ясади.

Фаолиятимиз учун дастур бўлган мазкур Қонун асосида боғчамиздаги деярли ҳамма ишларни ўзбек тилига кўчирдик. Гуруҳлардаги машғулотлар давлат тилида олиб борилмоқда.

Ишчан ва изланувчан педагоглар жамоаси меҳнати эътироф этилаётгани билан фахрланишга ҳақлимиз. Ана шундай ишларимиздан бири боғчада ташкил этилган музейдир. Уни биз уч бўлимга бўлдик. Биринчи бўлимни "Деҳқончилик" деб атадик. Бу ердан болалар ва тарбиячилар қўли билан ясалган ер ҳайдашда ишлатиладиган асбоб-анжомлари ўрин олган.

Иккинчи бўлимга эса "Ўзбек ҳовлиси" деб ном бердик. Бу ерга оилага керакли миллий жиҳозларни турли мато ва бошқа буюмлардан ясаб жойлаштирдик. Мазкур бўлимда, шунингдек, ўзбек тандири, нон ёпиш, оила аъзоларининг турмуш тарзи ўз ифодасини топган.

Кейинги бўлимда эса Ватанимиз ҳудудидан ўтган Ипак йўлини акс эттиришга ҳаракат қилдик ва унга "Карвон" деб ном бердик. Бу ерда туялар карвони, уларга ортилган юклар, сарбонлар акс эттирилган.

Музейимиз кичкинтойларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Бола боғидан — ниҳол ёшидан деганларидек, кичкинтойларни оилада ҳам, боғчада ҳам яхши одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш мақсадида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётирмиз. Шу мақсадда боғчада ташкил этилган "Одобнома" бурчагимиз ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортиб келаётир. Бу вазифани адо этишда боғча услубчиси Э. Расулова, тарбиячиларимиздан Г. Боймуродова, Д. Турдиева ва бошқаларнинг хизматлари катта. Мақсадимиз, соғлом авлодни камол топтириш экан, уларнинг маънавий дунёсини ҳам бойитиш диққат марказимизда турибди. Жамоамиз ана шу мақсад йўлида собитқадамлик билан иш олиб бораверади.

Гулчеҳра ШУКУРОВА,
7-"Қалдирғоч" болалар боғчаси мудираси.

Денов шаҳридаги А. Навоий номидаги мактаб-интернатнинг биринчи тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Робия Чориева ҳар бир ўқувчини ўзига хос бир олам деб тушуниб, улар билан алоҳида-алоҳида шуғулланади.

Суратда: Р. Чориева галдаги машғулотни ўтказаётган пайт.

НАФОСАТ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Халқимизнинг азалий урф-одатларига кўра, болалар ёшликдан озодаликка, саранжом-саришталикка, хушмуомалага ўргатилади. Биз боғчамизда болаларни халқ анъаналари руҳида тарбиялаш билан замонавий тарбияни уйғунлаштириб амалга ошириб бораётирмиз.

Боғчамиз 280 ўринга мўлжалланган бўлиб, олти йилдан буён 12 та гуруҳда 18 нафар тарбиячи машғулотлар олиб бораётир.

Мактабгача тарбия ишини такомиллаштириш юзасидан янги дастурларга кўра 1990 йилдан бошлаб таълим-тарбиянинг янги услуби амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тарбиячилар ортиқча ёзув-чизувдан халос бўлишди, машғулотларнинг кўргазмали ва қизиқарли ўтишига имкон яратилди.

Болалар эртакларни жон-дилдан севишлари ҳеч кимга сир эмас. Қўғирчоқ театримиз болалар ички дунёсини бойитиш, уларни гўзаллик оламига олиб кириш воситаси бўлиб хизмат қилаётир.

Тарбиячиларимиз машғулотларда таълимнинг техник воситаларидан, машғулотларнинг ноанъанавий усулларидан ҳам фойдаланишади.

Хоналар эртаклар асосида жиҳозланган. Жамоамиз нафосат тарбияси муаммосини ҳал этиш устида иш олиб бормоқда. Шунга кўра, таълим-тарбия ишлари миллий қадриятларимизни, тарихимизни, чет тилларни ўрганишга қаратилган. Бу борада бирмунча ишлар қилинган. Машғулотларда халқ лапарлари, миллий ўйинлардан кенг фойдаланилмоқда. Шоирлар, адиблар ва машҳур кишилар ҳаёти ва ижодига, байрамларга бағишлаб эрталиклар, учрашувлар ўтказиш яхши самаралар бераётир. Жумладан, Алишер Навоий ижодига бағишланган "Донолар доноси" "эрталиги, "Наврўзи олам", "Мустақил Ўзбекистон" байрам дастурларимиз болаларда ўз юртига муҳаббат, ота-боболари руҳига ҳурмат ҳис-туйғуларини тарбиялашда муҳим омил бўлди.

Республикамиз тобора жаҳон сари юз тутаётганлиги туфайли хорижий тилларни ўрганишга эҳтиёж кучайди. Ҳозирги кунда боғчамизда Н. Назаров номидаги 7-ўрта мактаб билан ҳамкорликда болаларга инглиз тилини ўргатишга киришдик. Май ойида болалар билан бу борада олиб борилган машғулотлар сарҳисоби яхши ютуқларга эришилганлигини кўрсатди. Мазкур гуруҳда шуғулланганлар янги ўқув йилида ўрта мактабнинг инглиз тили чуқур ўргатиладиган синфларига қатнайдилар.

Шаҳримизда таълим-тарбия ишига умумхалқ иши деб қараётган болажон корхона раҳбарлари борлигидан хурсандмиз. Механика ва таъмирлаш заводи директори ана шундай саховатли инсонлардан бири сифатида бизга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шу йилнинг ўзида завод боғчамиз учун 24 миллион сўм-купон ажратди.

Келгусида "Ғунча" болалар боғчаси жамоаси янада ғайрат кўрсатиб, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга эришади. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Ҳулкар МЕЛИҚУЛОВА,
10-"Ғунча" болалар боғчаси мудираси.

БИЛИМ — ҲАЁТ ЧИРОҒИ

Илм-маърифат ҳар бир давр авлоди учун ҳамиша ҳаёт чироғи бўлиб келган. Бугунги мамлакатимиз мустақиллигининг муқаддимаси даврида у, айниқса, ўзгача аҳамият ва мазмун касб этмоқда. Чунки истиқболи порлоқ мамлакатимизга билимли, уддабурон, ижодкор, фидоий,жасоратли кадрлар керак. Шаҳримиз таълим-тарбия муассасаларининг ходимлари ҳам ана шу тамойил асосида меҳнат қилмоқдалар. Мақсад эса аниқ: ўғил-қизларга пухта билим, ҳаётий кўникма бериш, уларни халқимизнинг миллий анъаналари руҳида ватанимизнинг комил фуқаролари этиб тарбиялашдан иборат.

Таълим тизими олдига қўйилган бу мураккаб, масъулиятли, айни пайтда шарафли ва муқаддас вазифани адо этиш тамоман янгичасига ишлашни, таълим-тарбия ишига янгича ёндашишни талаб этади. "Таълим тўғрисида"ги Қонунни рўёбга чиқаришнинг асл муддаоси ҳам шудир. Хўш, эскича фаолиятдан воз кечиш учун ишни нимадан бошлаш керак? Шаҳар халқ таълими кенгашининг бундан икки йил илгари бўлиб ўтган йиғилиши ана шу саволга жавоб излади. Фаолият майдонимиз, моддий таянчларимиз, имконият ва ҳаракатланувчи кучларимиз қандай? Ҳисобладик. Шаҳримизда 9 та ўрта умумий таълим, 2 та тўлиқсиз ва 1 та тиллар чуқур ўрганиладиган мактаб, 4 та мактабдан ташқари муассаса, 13 та болалар боғчаси, 1 та ясли, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ёшлар техник ижодиёти маркази, сайёҳлар маскани мавжуд. Халқ таълими тизими муассасаларидан қарийб 1,5 мингга яқин ўқитувчи, тарбиячи, мураббийлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг маҳорат даражалари ва ижодкорлик имкониятлари қандай? Ўқитувчининг касб маҳоратини ошириш ва ижодкорлигини ривожлантириш учун қандай омилларни ишга солиш керак?

Шу каби қатор саволларга ўқитувчи фаолиятини балл мезони билан баҳолаш усулини қўллашимиз бир қадар жавоб берди.

Таълим муассасаларида махсус комиссияларнинг тузилганлиги, ўқитувчи фаолиятини 200 баллик тизимда баҳоланиши таълим муассасаларимизда бир қатор илғор тажрибалар тўпланганлигини, ижодкор ва маҳоратли ўқитувчи ҳамда тарбиячилар сафи мўлжалимиздан зиёдлигини, шу билан бирга қатор камчилик ва нуқсонларимизни ҳам равшанлаштирди.

Босқичма-босқич мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошира бошладик. Ҳаракатдаги семинарлар, очиқ дарслар, намунавий машғулотлар ўтказиш ўқитувчи ва тарбиячиларимизнинг ижодкорона изланишларини кучайтирди.

Мактаб ва боғчаларимизда "Ёш мутахассисга ёрдам" бурчаклари ташкил топди, 13 та илғор педагогик тажриба мактаблари фаолият кўрсата бошлади. 4-мактабнинг география ўқитувчиси Дилбар Жонмуродова, 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси Дилором Бобоева, 3-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Абдураим Рашидов ва бошқаларнинг илғор тажрибалари шаҳримиздагина эмас, балки Сурхон воҳаси мактабларида ҳам оммалашаётир.

Биз, ўз навбатида, халқ таълими бўлимимиз қошидаги услубият марказ: ишларини талаблар даражасида бўлишига ҳаракат қилдик. Шўъба ишларида 27 гуруҳ педагог ва тарбиячилар қатнашиб, таҳсил олди. Машғулотларда 100 дан ортиқ маъруза тинғланиб, очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бу ерда ўтган ўқув йили давомида муаллимлар учун 17 та, боғча тарбиячилари учун 7 та услубият бирлашмалари мунтазам фаолият кўрсатди.

"Маҳорат мактаблари" самараси ўлароқ, шаҳримизнинг кўпгина ўқитувчи ва тарбиячилари эл-юртга танилди. "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловида 2-ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиси Башорат Муҳитдинованинг шаҳар, вилоят миқёсида мутлақ ғолиб бўлганлиги ва республика босқичида муваффақиятли иштирок этганлиги, худди шундай 8-мактаб тасвирий санъат ҳамда чизмачилик муаллими Озода Қулматова ва 10-"Ғунча" болалар боғчаси тарбиячиси Дилбар Маллабоеваларнинг "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси" кўрик-танловларининг ғолиблари бўлишгани ҳам бунинг далилидир.

Таълим-тарбия иши учун фидойи, ижодкор, ўз тажриба ва маҳорат мактабига эга бўлган кўпсонли ўқитувчиларимиз меҳнати самаралари ўқувчилар ўзлаштириш баҳоларида, уларнинг турли олимпиада, мусобақа, кўрик-танловлар, кўргазмалардаги иштирокида ҳам кўзга ташланаяпти.

Ўқувчиларимиз фанлар олимпиадаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Касб-корга йўналтирилган тўғаракларнинг аъзолари эса вилоят, республика миқёсидаги кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллашаётир. Ўқувчилар техник ижодиёти маркази тўғарак аъзолари А. Офтобоев (ўймакорлик санъати бўйича), Р. Каримов, Т. Маҳмудов (машина моделчилиги бўйича) вилоят кўрик-танловида иккинчи ўринни, болалар ва спорт мактабимиз баскетболчилари Бухоро шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида учинчи ўринни эгаллаганлиги қувонарлидир, албатта.

Умуман, таълим-тарбия ишимизда янгиланишлар рўй бермоқда.

Ўқувчилар билимини баҳолашда тест синовларининг кенг қўллана бошлаганлиги, иқтидорли ёшларни қизиқишларига қараб махсус дастурлар асосида ўқитилиши, билим масканларида постандарт дарсларнинг кенгроқ қўллана бошлаганлиги каби янгиликлар таълим-тарбия жараёнидаги туб сифат ўзгаришларининг дебочаси бўлмоқда. Бу борада шаҳримиздаги 3-лицей ўзига хос тажриба майдонига айланди, десам янглишмайман. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туб сифат ўзгаришларининг бош ижрочиси ўқитувчидир. Шунинг учун ҳам халқ таълими бўлими ўқитувчи ва тарбиячилар ижодий имкониятларини ишга солиш омилларини излаш билан бирга, уларнинг маънавий юксак бўлишига, шарқона устозлик масъулиятини тўлиқ ҳис қилишига ҳам эътибор қаратаяпти. Зотан, ҳали ўқитувчиларимиз орасида таълим-тарбия ишига енгил-елпи қаровчилар, маънавий томондан маориф ишига нолойиқлар, саёз билим эгалари борлигидан кўз юмолмаймиз. Бундай "устоз"ларга таълим муассасасида ўрин бўлмаслиги керак.

Деновликлар ўзининг узоқ ибратли тарихига эга. Бу қадимий Чағаниённинг муқаддас тупроғида не-не фозиллар, шоирлар, алломалар вояга етган, унинг довруғини оламга таратган. Бугунги кунда Мустақиллик шабадасидан баҳра олган шаҳримиз ёш авлодидан ҳам келажакнинг буюк кишилари, ижодкорлари, бунёдкорлари кўплаб етишиб чиқади, албатта.

Биз, халқ таълими ходимлари ана шу умид билан таълим- тарбия ишига бор куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни бағишлайверамиз. Чунки ёшликда билим олган киши ҳаёт чироғини, албатта, чарақлатади.

Мамаюсуф САПИЕВ,
Денов шаҳар халқ таълими бўлими мудири,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

Халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётганимга 30 йилдан ошди. Оддий ўқитувчиликдан туман халқ таълими бўлими бош йўриқчиси лавозимигача кўтарилдим. Айни кунда шаҳардаги 5-ўрта мактабга директорлик қилаяпман. Бугунга келиб замон ўзгарди. Республикамиз мустақил давлатга айланди. Уни мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилмоғимиз, боқимандаликка, тайёрига айёрликка бутунлай чек қўймоғимиз керак.

Бизда бу борада анча-мунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кейин ҳар ким ҳалол меҳнати билан кун кўради. Виждонан ишлаган киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Биз ўқувчиларимиз онгига мана шу каби тушунчаларни қайта-қайта сингдириб бораяпмиз. Илм равнақи йўлида туманимиз ҳудудидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланаяпти. Масалан, мактабимиз Сурхондарё озиқ-овқат саноати комбинати (директори Очилди Қодиров), "Агротех" уюшмаси (раиси Тўйлимурод Худойназаров), "Денов қурилиш" ҳиссадорлик жамияти (раиси Тошхўжа Жиянов) ва бошқа корхоналар билан яқиндан алоқа ўрнатган. Ҳозир бу жамоалар мактабимизга ҳомийлик қилишмоқда. Икки ўртадаги мустаҳкам ҳамкорлик туфайли шу кунгача мактабни таъмирлаш, унинг моддий-техника базасини яхшилашда қийинчилик сезилгани йўқ.

Таътил пайтида Сурхондарё озиқ-овқат саноати комбинати мактаб таъмири учун 40 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари бу ташкилот 2 тонна оҳак берди, ёзги оромгоҳда хордиқ чиқарувчи 90 нафар болалар учун 2,8 минг сўм маблағ ажратди. Айни кунларда эса шу жамоа томонидан мактабнинг сув қувурлари таъмирланмоқда. Худди шундай "Агротех" иттифоқи уюшмаси мактабни ўқув йилига тайёрлаш учун 100 килограмм бўёқ, ободончилик ишларига 200 метр сим ажратди. Шунингдек, янги жиҳозлар ва ускуналар сотиб олишда ёрдамларини аяшмаяпти. "Денов қурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг мактабимизга кўрсатаётган ёрдами ҳам салмоқли бўлаётганини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир.

Мактабимиз жамоат ташкилотлари билан ҳам узвий алоқа ўрнатган. Бу борада мактаб ота-оналар қўмитаси билан жамоамиз алоқасини алоҳида кўрсатиш лозим. Бу қўмитага Раҳимжон Тожиддинов раислик қилади. Ота-оналар қўмитаси аъзоларининг ташаббуси ва ҳиммати билан 30 та синфхоналар таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Мактабимиз жамоаси бу ғамхўрликларга ўз навбатида ўқув-тарбия, жамоат ишларида янги-янги муваффақиятларга эришиш билан жавоб қайтаришяпти. Ўтган ўқув йилида 6 нафар ўқувчиларимиз шаҳар миқёсида ўтган фан олимпиадаларида ғолиблик қилдилар. Шулардан 3 нафари вилоят олимпиадаларида юқори натижаларга эришди.

Шаҳар ўқувчилар спартакиадасида мактабимиз жамоаси умумий жамоалар ўртасида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бадиий ҳаваскорлик кўриги, "Санъат байрами" ва бошқа тадбирларда ҳам мактабимиз қатнашчилари ғолиблар қаторидан ўрин олишаётир.

Хулоса қилиб айтганда, мактабимиз жамоасига оталиқ ташкилотлари томонидан сарфланаётган пул ва маблағлар эртага келажаги буюк давлат учун катта фойда бўлиб қайтиши шубҳасиздир.

Одилбек АЗИЗОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Ҳаёт фаришталари

"ДИЛБАНДИМ, ТУЗУКМИСАН?.."

(ЛАВҲА)

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганларидек бошим оғриб, шифохонага тушиб қолдим. Шифтга қараб ётар эканман, беихтиёр гоҳ эшикдан, гоҳо деразадан шошиб, энтикиб "Болам, тузукмисан?" дея онам кириб келаётгандек бўлавердилар. Ўзимни турли хил хаёлларга, турфа суҳбатларга чалғитмоқчи бўлсам ҳам, бариси бефойда, меҳр билан боқиб турган онажонимнинг азиз сиймолари ҳар дамда намоён, қулоғим остида эса ўша савол: "Болам, тузукмисан?".

Онам ҳаёт вақтларида ҳам гоҳо ўзим, гоҳо худа-беҳудага шамоллайверадиган болаларим билан касалхоналарда ётишга тўғри келарди. Бироқ биз касалхонани тарк этгунимизга қадар қатнайвериб, онам раҳматлининг тинкалари қурирди. "Чарчаб қоласиз, мен тузукман. Сиз ҳам касал бўлиб қолманг", деган илтижоларим ҳам уларни қайтара олмасди. "Сен соғ бўлсанг, мен ҳам соғман, хурсанд бўлсанг, менинг қувонганим", дердилар.

Кечагидек ёдимда. Катта ўғлим Алишер бир ёшга ҳам тўлмаган кезлари кўзи яллиғланиб, касалхонага ётдик. Кўз касалликлари бўлимида нафақат катта ёшдагилар, балки болалар ҳам даволанишарди. Она-бола икковимизга энсизгина битта каравот насиб этди. Ўғлимнинг кўзлари кундан-кун қизариб борарди. Ҳар куни умидлироқ бир гап кутаман. Бироқ аҳвол у даражада эмас...

Кўзларини ишқалаб юбормаслиги учун ўғлимнинг иккала қўлини йўргаклагандек қилиб боғлаб қўйишди. Ўзим стулда ўтириб, ёки энсиз каравотнинг бир четига омонатгина ўрнашиб, тонг оттираман. Икки кўзим ўғлимда: "Наҳотки, мана шу қора кўз, ўғлимнинг кўзлари... Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас!". Фарзандимнинг қушнинг уйқусидан-да қисқароқ уйқусига зийрак нигоҳ билан боққанча тунни тонгга улайман. Оғриқдан чирқиллаб йиғлаётган боламни бағримга босганча чорасиз қўлларим билан уни силаб-сийпалайман. Шу пайт менинг қўлларимни ҳам меҳрибон қўллар силаб-сийпалаётганини ҳис қиламан. Кўзларида ёш билан тепамда онам турган бўладилар. Бу ҳол ҳар куни такрорланади. "Болам, худо шифо бериб қолар ўғлингга. Ахир ўзингни ҳам ўйла-да. Қара, каравотнинг қирралари ёнбошингга ботиб кетибди. Ҳозир бориб уйдан кўрпача олиб келаман. Ҳеч бўлмаса боланг ўхлагач, кўрпачани полга тўшаб бўлса-да, ором оласан-ку!".

— Қўйсангиз-чи, ойижон! Касалхонага ҳам кўрпача олиб келадими?

— Қоронғу тушсин, албатта келтириб бераман. Озгина бўлса ҳам ором ол, — яна такрорлайдилар онам. Ўғлимнинг кўзлари беш ой деганда тузалди. Менинг кўзларимда ҳам унут бўлаётган қувонч акс эта бошлади. Бироқ, аслини олганда, боламнинг кўзлари тузалгунга қадар мен боламдан, онам эса мендан кўпроқ кўз ёш тўкдик, изтироб чекдик.

Мана, шу воқеага ҳам йигирма йил бўлибди. Касалхонанинг шифтларига боққанча кўзим илинибди. Тушимда онам, меҳрибон онажоним бошларига кўрпача қўйганча шошиб, энтикиб келаяптилар:

"Болам, тузукмисан? Ўғлингнинг тўйига кўрпача тикдим"...

Раҳима СОДИҚОВА.

Гулу гунчам пошшоликдир, эзгуликка ошноликдир.

Турғунбек МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.

Янги нашрлар

"МАҲАЛЛА"

"Ватан остонадан бошланади. Туғилган уйинг, улғайган маҳалланг асли улуғ Ватан остонасидир. Бу остонанинг ўзи ҳам Ватан! Инсон юртим, Ватаним дея ўйлаган кезда шуурида энг аввало ўша маскан гавдаланади...".

Юқоридаги сатрлар "Маҳалла" газетасининг илк сонининг биринчи саҳифасида берилган "Ватан ичра Ватан" мақоласидан олинди. Мақола муаллифи Ўзбекистон "маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Шавкат Миролимов мустақиллик шарофати туфайли республика ҳукуматининг маҳаллаларга алоҳида эътибор бераётгани, пойтахтимиз маҳаллаларида маънавиятни юксалтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этган.

Газетада шунингдек, унинг жамоатчилик асосидаги муҳаррири, атоқли ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг "Биз шундай халқмиз", "Маҳалла" хайрия жамғармаси Юнусобод тумани бўлинмасининг раиси Кабир Комиловнинг "Маҳалла — тарихий жамоа", Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Поша Имомқуловнинг "Иқтисодиётимиз таянчи" сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, "Тошкент ҳақиқати" ва "Тошкент оқшоми" — "Вечерний Ташкент" газеталари бош муҳаррирлари Нўъмон Насимов, Эркин Эрназаровлар янги нашрни самимий қутлаб, келгусидаги фаолиятига ривож тилашган.

Янги газетада берилган "Чойхона гурунги" рукни остида ҳангомалар, ноёб асарлардан лавҳалар эътиборни жалб этади.

Жамоатчилик асосида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви газетаси келгусида оммавий нашрлардан бирига айланиб қолишига тилакдошмиз.

Олтин ёз

БОЛАЛИК АРМОНИМ МЕНИНГ

Онам бир гапни кўп такрорлагувчи эди:

Айтилган нақлларнинг ҳар бири бир олам маъно беради. Булар беҳудага айтилмайди.

72 минг машойих ғордан чиқаётиб биттадан ҳикматли сўз айтаверган экан. Энг охиргисига навбат етганда тилга олинмаган сўз қолмабди. Энди бу нақл топа олмайди, деб ўйлабдилар. Лекин ғорни тарк этаётган дониш ҳам тагдор сўз топибди:

— Яхши дам, меҳнатга ҳамдам.
Бу сўзга барча донолар қойил қолибди.
Сабабки, ҳордиқ самарали меҳнат дояси.
Бироқ бунга ҳам амал қилган қилади.

Чет элда бирон корхона эгаси ўзининг хизматчисини дам олиш таътилига юбораётганда, унга бир ойлик харажатларга етадиган пул берар экан. Шарт шуки, жамики ташвишларни ёддан чиқариб, мириқиб дам олиш. Агар борди-ю, дейлик, ўша инженер таътил пайти пул топиш мақсадида бирон ақлий меҳнат билан шуғулланса, корхона эгаси уни қаттиқ огоҳлантиради. Бу ҳол такрорланса, уни ишдан бўшатиб юборар экан.

Гап шундаки, бир ой дунё ташвишларини унутиб, ҳордиқ чиқариб қайтган ижодий ходим ёки инженер корхонага жуда катта фойда келтирадиган ишларни амалга оширади. Бу дам олишнинг хосиятидир.

Қишлоққа борсам, ўқитувчи бўлиб ишлайдиган тенгқурларим уй-жой солиш ташвиши ила банд. Қўли бўшади дегунча чойчақа қилай деб бирон ишга уринади.

Ундан қачон ҳордиқ чиқарасан деб сўрайдиган меҳрибон йўқ.

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган салқин оромгоҳда бўлганимда хаёлимдан ана шу мулоҳазалар ўтди.

Бу салқин ва сўлим масканда дам олиш менинг болалик армоним. Оромгоҳга бораман деб роса хархаша қилардим ота-онамга. Бироқ турли баҳоналарни рўкач қилиб ам олишга юборишмаган. Ёз бошланди дегунча, кун бўйи молларга ўт ўрардик. Тушгача икки қоп, тушдан кейин яна...

Жамоа хўжалиги ҳудудидаги мактабларнинг ўқувчилари дам олаётган оромгоҳга келиб, болаларни гапга солдим:

— Бу ерда дам олишларингга ота-оналарингнинг юбордими ёки бораман деб ўзларинг оёқ тирадиларингми?

Болалар кулди.

— Лагерга юборсангиз, қайтиб келгач, сидқидилдан ишлайман, деб ваъда бердим.

— Нимаси яхши экан бу ернинг.

Адҳам жилмайиб атрофга ишора қилди.

— Салқинлигини қаранг. Болалар билан тўп тепамиз, чўмиламиз. Мазза-да. Уйда молҳолга қараш керак. Иш кўп.

— Мени дадамларнинг ўзлари юборди, — деди Қаҳрамон.

— Йўғ-э?..

— Рос... онамлар бир оз қаршилик қилдилар. Дадам уларга қўй, бизлар дам олиш нималигини билмай ўтяпмиз. Болаларимиз дам олишни ўргансин, деди.

Вой бийроней! Гапини эшитинг бу болани. Тилингга шакарей!

— Мен ҳам улғайсам дадамларни санаторияга юбораман, — деб ният қилди у!

Назира билан Юлдуз Қаҳрамоннинг сўзларига кулиб қўйди.

Болалар билан суҳбатимизга Ҳамид Олимжон номидаги 44-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Озодбек Жамолов қўшилди.

— Болаларга ҳамма шароит муҳайё деб айта олмайман. Бироқ, жойимиз зўр. Ўқувчиларнинг турли хил спорт ўйинлари билан шуғулланиши, кўнгилдагидек дам олиши учун имкониятлар етарли.

Шу пайт "Ғунча" оромгоҳининг жонкуярларидан 29-ўрта мактабнинг физика фани ўқитувчиси Ҳасанбой ака Эргозиев келиб қолдилар.

— Ҳозир айни ишлар кўпайган маҳал. Шундай пайтда фарзандларини дам олишга юборган ота-оналарга раҳмат. Биз ҳам ўқувчиларнинг ўйнаб-кулишлари учун елиб-югуряпмиз. Фақат таъминот масаласида бир оз оқсаяпмиз.

— Қизиқчи айтгандек, дошқозонда пиёзлар матросча қўйлак кийиб раз-два деб у ёққа бориб келяпти. Карамлар мурувват кўрсатиб бир чеккада қўл қовуштириб турибди...

— Шундай бўлиши мумкин эди. Хайриятки ошпазимиз Илҳомали Ҳасанов қўли ширин йигит. Карам шўрваниям, маставаниям мазали қилиб пиширади.

Дам олиш масканидаги суҳбатимиз узоқ давом этди.

100 ўринли болалар оромгоҳи 3 сменада, жами 300 ўқувчининг ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган. Албатта, бу ерда камчилик ва муаммолар ҳам талайгина. Бироқ жамоа хўжалиги раҳбарлари, халқ таълими ходимлари бу салқин масканда фарзандларнинг кўнгилли дам олишлари учун қўлларидан келганича ҳаракат қиляпти.

Энг муҳими мана шу.

Фарзандларимизнинг дам олиш не эканлигини билиб улғайганига нима етсин. Ахир, бу инсонийлик, инсоний маданият белгисидир

Абдураҳмон ЖЎРА,
журналист.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли устозимиз Елғош ШИРИНОВ!

Сизнинг маорифга бахшида этилган 40 йиллик меҳнатингиз ортида юзлаб шогирдларингиз ғунчадан гулга айланди. Ҳозирда 60 ни қоралаб, қарилик гаштини суришга отланиб турган ушбу кунларингизда осуда ҳаёт, соғлиқ, бардамлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолишини тилаймиз.

Шогирдларингиз Азамат Товбаев, Жибак Ахадова,

Пойариқ тумани.

Қадрли Шоди РЎЗИЕВ!

Кўп йилдирки, туманимиз мактабларида ўқитувчи, раҳбар бўлиб фаолият кўрсатдингиз. Қайси жамоа билан ишлаган бўлсангиз, улар томонидан Сиз ҳақингизда айтилаётган илиқ сўзларданда ортиқ мукофот бўлмаса керак.

Биз ҳам таваллуд топган кунингиз муносабати билан самимий тилакларимизни бахшида этамиз. **Соғ бўлинг, ғайратингиз ҳеч қачон сўнмасин!**

Косон тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Азиз дадажонимиз Абдураҳмон ҚОДИРОВ!

Умрингизнинг салкам 40 йилини маорифга бахшида этиб, муаллимликдан туман халқ таълими мудирлигигача бўлган сермашаққат, аммо шарафли йўлни босиб ўтдингиз.

Умрингиз фаслининг 60 баҳорини қаршилаётган шу кунларингизда Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодда баркамоллик тилаймиз! Бахтимизга соғомон бўлинг!

Қизингиз Шоира, ўғлингиз Улуғбек, **куёвингиз Искандар, набираларингиз Шаҳноза ва Азиза.**

Булунғур тумани.

ҲАРФЛАР ГУЛШАНИ

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Раҳимбой Жуманиёзов ва Тўхтамурод Зуфаровнинг "Ҳарфлар гулшани" деб номланган китобини ўқувчиларга туҳфа этди. Республикамизда лотин ёзувига босқичма-босқич ўтилаётган ҳамда шу алифбога асосланган ўзбек тилининг асосий имло қоидалари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинаётган бир пайтда бу китобнинг чиқарилиши айни муддао бўлди. Ундаги матнларнинг ҳам лотинда, ҳам крилда берилиши, ҳарфларнинг босма ва ёзма шакллари кўрсатилганлиги ўрганувчилар учун бир талай қулайликлар яратади. Юз минг нусхада чоп этилган бу китоб нафақат ўқувчиларнинг, балки кенг омманинг тараққиёт калитларидан бири, деб аталаётган лотин ёзувини тез орад а ўзлаштириб олишларига имкон яратади.

Ғ. ЭШМОНОВ.

ЭЪЛОН

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1994 йил сентябрь ойида халқ хўжалиги асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

Мактаб кимё фани методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

Мактаб география фани методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

Янги дастур бўйича тарих ўқитувчилари (маърузачилар гуруҳи) — ўзбек гуруҳи — 12-24 сентябрь.

Олий ва I-тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

Инглиз тили ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

Олий ва 1-тоифали меҳнат ўқитувчилари (бичиш-тикиш) — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг жисмоний тарбия ва ритмика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 12-30 сентябрь.

Янги типдаги мактаб (лицей, гимназия) ларнинг кимё-биология ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 12-24 сентябрь.

Физика бўйича туман (шаҳар) ХТБ методистлари — ўзбек гуруҳи — 12-24 сентябрь.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори ўринбосарлари — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

СПОН назоратчилари — ўзбек гуруҳи — 12-24 сентябрь. Илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича туман (шаҳар) методистлари — ўзбек гуруҳи — 5-10 сентябрь.

Иқтисод бўйича туман ХТБ назоратчилари (махсус курс) — ўзбек гуруҳи — 12-18 сентябрь.

Иқтисод бўйича туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (Тошкент шаҳар, 41-мактабда муаллифлик курси) — ўзбек гуруҳи — 19-24 сентябрь.

Миллий ҳунармандчилик мактаблари бўйича иш олиб борувчи меҳнат ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 5-30 сентябрь.

Янги дастур бўйича тарих ўқитувчилари (Андижон) — ўзбек гуруҳи — 12-17 сентябрь.

Янги дастур бўйича ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари (Сурхондарё) — ўзбек гуруҳи — 19-24 сентябрь.

Янги дастур бўйича ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари (Қашқадарё) — ўзбек гуруҳи — 26-30 сентябрь.

Мактаб туризми билан шуғулланувчи инструкторлар (Наманган) — ўзбек гуруҳи — 12-30 сентябрь.

Ўрта мактаб логопедлари — ўзбек гуруҳи — 19-24 сентябрь.

Биология ўқитувчилари (Хоразм) — ўзбек гуруҳи — 19-30 сентябрь.

Тожик мактабларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 5-17 сентябрь.

Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1994 йил 5 сентябрдан 30 сентябргача навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

Вилоят халқ таълими бўлимининг туман (шаҳар) болалар боғчаларининг мудиралари, боғча услубчилари.

Туман (шаҳар) ХТБ боғча назоратчилари, услубчилари (қисқа муддатли 5.09 — 25.09. 1994 йил). Махсус мактабгача тарбия муассасалари (нутқида, кўзида, ҳаракат аппаратида камчилиги бўлган) мудиралари, методистлари (қисқа муддатли 5.09 — 25.09. 1994 йил).

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл ҳаражатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва кўрсатма варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1 — 7 сентябрга қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси, Телефон: 46-98-04.

Қадриятларимиз

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ СИРЛАРИ

Маълумки, халқимиз қадимдан наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, меъморчилик, кулолчилик, мискарлик, зардўзлик каби миллий амалий санъати билан дунёга машҳур. Бироқ кейинчалик маълум сабабларга кўра халқимизнинг ана шу нодир ҳунарларини ўрганиш ва ўргатиш ишларига етарли эътибор берилмади. Натижада ҳозирги авлод, айниқса, мактаб ўқувчилари бундай санъат асарларини яратиш у ёқда турсин, маъносига ҳам тушуна олмайдиган даражага келиб қолди. Ҳайриятки, кейинги пайтларда республикамизда юзага келган ўзгаришлар туфайли миллий қадриятларимиз, жумладан миллий-амалий санъат турлари тикланмоқда. Албатта бу ишларни мактабдан, хусусан, меҳнат дарсларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, меҳнат дарсларида халқ амалий санъати намуналаридан фойдаланиш, иш усуллари ва амалларини қўллаш учун катта имкониятлар бор.

Кузатишларимиздан шу нарса аниқландики, кўпчилик 5 — 7-синф ўқувчилари турли хил расмлар чизишга, бўёқлар ёрдамида нақш солишга; материалларни куйдириб ва ўймакорлик билан шакллар солишга жуда қизиқар эканлар. Шунинг учун меҳнат таълими дарсларида 5 — 7-синф ўқувчиларига ёшларига мос ҳолда нақшлар, уларнинг турлари, нақш солишда ишлатиладиган бўёқлар, асбоблар, иш усуллари ҳақида тушунча бериш; амалий ишлар ўтказиш ва бунда халқ амалий санъатига оид маълумотлардан фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Дастлаб ишни 5-синфда фанер ёки юпқа тахтага куйдириб ишлов берадиган асбоб ёрдамида расм солишдан бошлаш мумкин. Бунинг учун олдин фанер ёки тахтанинг юзасига қалам билан керакли расм чизилади. Бундай расмларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ҳолда чизишлари ёки тайёр андозалардан фойдаланиб кўчиришлари мумкин. Шундан сўнг куйдирувчи асбоб ёрдамида расмлар қайтадан чизилиб, расм солинган юза лакланади.

6-синфда эса ўқувчиларга наққошлик сирасрорлари, буёқларнинг турлари, бу ишларда зарур бўладиган асбоб-ускуналарнинг тузилиши, ишлатилиши ҳақида тушунча бериб, иш усулларини ўргатиш мумкин.

Маълумки, фанер ёки тахтага бўёқ ёрдамида нақш солишдан аввал унинг юзаси силлиқланади, сўнгра "сирланади", яъни маълум бир рангдаги бўёқ билан бўялади. Айрим ҳолларда эса юза қалинроқ қоғоз билан қопланиши ҳам мумкин. Шундан сўнг тайёр бўлган юзага андоза ёрдамида ёки тўғридан-тўғри қўл билан шакл туширилади ва устидан бўёқ юргизилади. Кейинчалик ўқувчиларнинг малакаси ошиши билан шакларни қалам ишлатмасдан бир йўла бўёқлар ёрдамида ҳосил қилиш мумкин.

7-синфда ўқувчиларга ганч ва ёғоч ўймакорлигига оид ишларни ўргатиш мумкин. Бунда ишни дастлаб ёғоч ўймакорлигидан бошлаш ва ўқувчиларда маълум малака ҳосил бўлгач, ганч ўймакорлигига ўтиш лозим. Чунки ёғочда қисқа вақт ичида табиий ўзгаришлар рўй бермайди. Ганч эса тезда қотиб қолади. Натижада иш вақтида у кўчиб кетади ва шакл сифатли чиқмайди. Етарли ўйиш малакасига эга бўлмаган ўқувчилар эса ганчга тезда сифатли шаклларни тушира олмайдилар.

Гап буюмларни бадиий безаш, наққошлик ёки ўймакорлик ҳақида кетар экан, шубҳасиз, орнамент, инкрустация, мозаика каби сўзларни эшитамиз ва қўллаймиз. Дарҳақиқат, булар ўша ишларнинг асосини ифодаловчи тушунчалардир. Маъно жиҳатидан олганда бу сўзлар бир-бирига яқин туради. Улар асосан бажариладиган ишларнинг турини, қўламини фарқлашда ишлатилади. Масалан, "орнамент", инкрустация, мозаика каби сўзларни эшитамиз ва қўллаймиз. Дарҳақиқат, булар ўша ишларнинг асосини ифодаловчи тушунчалардир. Маъно жиҳатидан олганда бу сўзлар бир-бирига яқин туради. Улар асосан бажариладиган ишларнинг турини, қўламини фарқлашда ишлатилади. Масалан, "орнамент" — лотинча сўз бўлиб, у безамоқ деган маънони билдиради. Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, орнамент бу турли хил шакллар, безаклар ёки уларнинг айрим қисмларини бир текисда, тартибли равишда такрорланиб келишидан ҳосил бўлган нақшдир. Инкрустация эса ишлов бериладиган юзанинг айрим қисмларини ўйиб олиб, уларга турли хил рангдаги шиша, тош, суяк, пластмасса, металл каби материалларнинг парчаларини қадаш орқали ҳосил қилинган нақшлардир (масалан, миллий пичоқларнинг дастасини эсланг). Юзасига шпонларни елимлаб, миллий ёпиштириш усули билан ҳосил қилинган нақшлар маркетри, агар улар паркет пол кўринишида бўлса, паркерти деб юритилади. Ўзида маълум бир маънони ифода этувчи нақшлар йиғиндиси эса мозаика деб айтилади.

Юқоридагилардан кўринадики, наққошлик ва ўймакорлик ишларида орнамент асосий тушунча ва усул бўлиб хизмат қилади. Тасвирланадиган безакларнинг турлари ва маъносига қараб, орнаментлар геометрик, наботий, жониворлар расми туширилган, тамғали, хаёлий ва аралаш усулларда ишланган нақшларга бўлинади. Номларидан ҳам кўриниб турибдики, геометрик орнамент тўғри, эгри ва синиқ чизиқлар, айлана, уч бурчак, квадрат, ромб каби турли хил геометрик шакллардан; наботий орнамент — турли хил гуллар ва бошқа ўсимликлар, уларнинг барги ва меваларидан; жониворлар расми туширилган орноментлар эса турли хил хаёлий ва ҳақиқатда бор бўлган қушлар, ҳайвонлар ва бошқа жониворларнинг тўлиқ ёки қисман туширилган тасвирлардан иборат бўлади. Тамғали орнаментларда турли хил белги тамға, нишонлар тасвирланган бўлади. Хаёлий ва аралаш усуллардаги орнаментларда эса юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиб, эркин тарзда чизилган нақшлар ўрин олади.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, Осиё халқлари ҳунармандлари қадимдан асосан геометрик, наботий ва уларнинг ўзаро аралаштирилиши билан ҳосил қилинган орнаментлардан фойдаланишган. Булардан ташқари тузилишига кўра орнаментлар буюмларнинг четларини қамраб олувчи тўғри ёки эгри тасмасимон; буюмнинг юзасида тўлиқ қопловчи тўрсимон; бирор турдаги геометрик шакл — айлана, квадрат, ромб, учбурчак ичига чизилган нақшлар, яъни розетлар кўринишида ҳам бўлади. Розетлар одатда ёпиқ, берк нақшлар деб ҳам юритилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, меҳнат дарсларида халқ амалий санъатига оид иш усулларидан фойдаланиш учун ўқитувчиларимиз бир қатор тайёргарлик ишларини, тадқиқотчиларимиз эса бу ишлардан унумли фойдаланиш йўлларини ва воситаларини аниқлаб беришлари, энг муҳими, атамашунослик соҳасидаги ишларни тартибга солишлари керак.

Исмоилжон КАРИМОВ,
Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 4 2 3 4 5 6